



20 20у « 29 » июнь

№ Қ-288

« ___ » _____ 20__ г.

Термиз тумани “Сурхон Халқобод” массиви “Халқобод” маҳалласи худудида фаолият юритаётган “Saydullo Termiz” фермер хўжалигига “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 17 июндаги 05-02/299-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 26 майдаги 222/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 17 июндаги 05-02/299-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон Халқобод” массиви “Халқобод” маҳалласи худудида фаолият юритаётган “Saydullo Termiz” фермер хўжалигига ўз ер майдони ҳисобидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 92к-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 47,5 балл бонитетли 3,0 гектар суғориладиган экин ер майдонига “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун рухсат берилсин.

3. “Saydullo Termiz” фермер хўжалиги бошлиғи Б.Қурбановга: рухсат этилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда рухсат этилаётган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) рухсат берилаётганлиги муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов